

ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЁШЛАР САЙЛГОҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан Фарғона шаҳрининг Каштанзор кўчасида ташкил этилган Ёшлар сайлгоҳида бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги кўрсатмалари ижроси доирасида ташкил этилган ушбу сайлгоҳ, “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган лойиҳа орқали ажратилган 1,32 миллиард сўм маблағ, шунингдек, 500 миллион сўм ҳомийлик маблағлари ҳисобига барпо этилди.

Сайлгоҳда гуллар билан безалган аркалар, тунги ёритиш чироқлари мавжуд бўлиб, ёшлар учун кафе, кинотеатр, ресторон ҳамда “book-cafe”лар, шахмат, стол тениси, PlayStation ўйинлари ҳамда караoke ҳудудлари, фотозоналар ташкил этилди.

Вилоят ҳокими сайлгоҳда ёшлар билан суҳбатлашди, йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш тадбиркорлар билан мулоқот қилиб, уларнинг лойиҳалари билан танишди. Вилоят раҳбари шунингдек, “Ёшлар дафтири”га киритилган 17 нафар ёшларга субсидия асосида пишириқ печлари, тикув машиналари, сартарошлик мебеллари каби меҳнат қуролларини топширди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-12-07 21:53:41